

## СУНИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ТРАЕКТОРИЯСИ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ВЕКТОРЛАРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-24-424-426>

**Н.Маматов**

Ижтимоий ва сиёсий фанлар институти профессори  
Toshkent, O'zbekiston

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада суний интеллектга замонавий ёндашувларнинг моҳияти, табиий ва сунъий интеллект ўртасидаги диалектик боғлиқлик таҳлил этилган. Шу билан бирга суний интеллектни ҳаётга татбиқ этиши механизмлари ва уларнинг амалий аҳамияти очиб берилган.*

**Калит сўзлар:** *Суний интеллект, суний интеллект фалсафаси, кучли ва кучсиз суний интеллект, суний интеллектнинг амалдаги функциялари.*

## ТРАЕКТОРИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА И ЕГО ФИЛОСОФСКИЕ ВЕКТОРЫ

### АННОТАЦИЯ

*В статье проанализирована сущность современных подходов к искусственному интеллекту, раскрыта диалектическая взаимосвязь между естественным и искусственным интеллектом. Одновременно показаны механизмы внедрения искусственного интеллекта в практику и их прикладное значение.*

**Ключевые слова:** *искусственный интеллект, философия искусственного интеллекта, сильный и слабый искусственный интеллект, практические функции искусственного интеллекта.*

## TRAJECTORY OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE AND ITS PHILOSOPHICAL VECTORS

### ABSTRACT

*The article analyzes the essence of contemporary approaches to artificial intelligence and the dialectical relationship between natural and artificial intelligence. It also explains the mechanisms for implementing artificial intelligence in real life and their practical significance.*

**Keywords:** *artificial intelligence, philosophy of artificial intelligence, strong and weak artificial intelligence, practical functions of artificial intelligence.*

Бугун суний интеллектнинг фалсафий масалалари ўз ичига унинг мантиқий, эпистемологик ва методологик асосларидан тортиб то таълим ва тарбия, этик, эстетик масалалар, динга, қадриятларга, сиёсатга нисбатан замонавий инсоннинг мунисабатларига оид мавзузаларни ўз ичига олган.

Инсон онги масаласи, унинг табиати, моҳияти, жамият ва шахс ҳаётида тутган ўрни ҳамда роли фундаментал фалсафий муаммо бўлиб, унга ҳар бир тарихий давр янги ёндашувлар, концепциялар ва ғояларни олиб кирди.

Суний интеллект атамасининг ташувчиси бўлган инсон интеллекти унинг ақлий салоҳиятининг умумий интеграл характеристикаси ҳисобланади ва ҳақиқатни, ўзини ва бошқаларни англашни, малака ва кўникмаларнинг йиғиндисини, абстракт-мантиқий тафаккурни, креатив ва интуитив фикрлашни, тасаввурни, фантазия, келажакка қаратилган идеал конструкцияларни, атроф-муҳитга ақлан мослашиш каби гносеологик сифатларни ифодалайди.

Демак, табиий интеллект суний интеллектдан тубдан фарқ қилади. Электрон ҳисоблаш машинасининг “ўйланиши”, “фикрлаши” махсус тилларда ифодаланган белгиларни мантиқий қайта ишлаш билангина чекланади холос.

Суний интеллект одамлар томонидан яратилган ва инсон тафаккурининг айрим функцияларини қайта тиклайдиган воситалар тизимини ифодалаш учун қўлланилади.

Файласуфлар унинг икки маъносини ажратиб кўрсатадилар. Уларнинг биринчиси, ушбу феноменни ўрганувчи муҳим фаолиятлараро комплексни англатади. Иккинчиси эса, инсон интеллектининг психик ва фикрий жараёнларини компьютерда моделлаштириш, имитация қилиш ҳамда инсон ақл-заковатидан устун бўлиши мумкин бўлган «электрон мия»ни яратиш сифатида кўринади.

Функцияларига кўра кучли суний интеллект инсон онгини тўлиқ такрорлайдиган, ўзини “шахс” сифатида англайоладиган универсал интеллект бўлиб у ҳозирча мавжуд эмас. Аммо бугун инсон буйруғига биноан кўп вазифаларни бажарадиган заиф амалиётчи интеллект тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Бу дегани кучли суний интеллектни яратиш бўлмайди, дегани эмас. Аммо шу ўринда бир гносеологик тамойилни ҳисобга олиш керакки, инсон онгида динамик ривожланиш хусусияти, тарихийлик, ижтимоий ва маданий боғлиқлик каби технологик йўл билан қайта тиклаб бўлмайдиган хусусиятлар мавжуд.

Замонавий файласуфларнинг таъкидлашича, машинанинг фикрлашини том маънода «фикрлаш» дейиш қийин, аммо у барибир “ўйлайди”.

Бундай ўйлаш шартли ақл деб баҳоланади. Яъни “компьютер тафаккури” маълум чегараларга эга ва заиф сунъий интеллект бу чегараларни бузишга ҳаракат қилсада, инсонга хос фикрлаш даражасига яқинлашаолмайди.

Умуман олганда, сунъий интеллект инсон онгининг муҳим таркибий хусусияти ҳисобланади. Ушбу таркибий хусусият инсон онгининг ривожда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун сунъий интеллект потенциалидан фалсафа фанини ўқитишда кенг фойдаланиш замон талабидир.

Фалсафа дастурида келтирилган барча мавзуларда сунъий интеллектдан кенг фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Бизнингча, олий ўқув юртларидаги фалсафа факультетлари базасида ижтимоий фанларни ўқитишда сунъий интеллектдан фойдаланиш методикаси бўйича мутахассисларни тайёрлаш зарур.

Бундан ташқари, социологларимиз, иқтисодчиларимиз ва бошқа ижтимоий фан ходимлари яқка тартибда ёки айрим ташкилотлар ёрдамида социологик тадқиқотлар ўтказмоқда. Аммо, сўровнома натижаларини кўпинча қўлда қайта ишламоқдалар. Бу ҳолат тадқиқот натижаларининг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун пойтахтда кучли ЭҲМ марказларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Сунъий интеллект бизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётимизга қанча тез ва самарали кириб келса, жамият шунча ютуққа эришади. Аммо, ушбу жараён самарадорлигини ошириш учун мамлакатимизга янада кучли, билимдон сунъий интеллект назариётчилари ва амалиётчилари сув ва ҳаводек зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. П.В.Копнин «Теория познания и диалектика». М. Высшая школа 1991г. 384 с.
2. Э.В.Ильенков «Диалектика идеального».Собрание сочинений. Т.5 | ISBN 978-5-88373-666-6, Москва 2021г.
3. А.Г.Спиркин «Сознание и самосознание» Москва 1972. 303 с.
4. Nik Bostrom. Iskusstvennyy intellekt. Etapy. Ugrozy. Strategii. Moscow, Mann, Ivanov i Ferber Publ., 2016. 496 p.
5. А.Д.Григорьев, К.А.Шеманов, Г.М.Кириллов “Проблема искусственного интеллекта в философии: граница между человеческим и машинным сознанием” // Скиф. Вопросы студенческой науки. 2020. № 1 (41). С. 161–166.